



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI AGROSANOAT MAJMUU USTIDAN NAZORAT
QILISH INSPEKSIYASI**

100020, Toshkent shahri, Obinazir ko'chasi, 109-uy. Tel: (998 71) 202-12-01; Faks: (998 71) 202-12-42.
e-mail: info@agroin.uz, agroinspeksiya@cxat.uz www.agroinspeksiya.uz

2021 yil « 3 » Dekabr 02/5-18-874 -son

**"Агросаноат мажмуида
хизматлар кўрсатиш маркази"
ДУК директориға**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан жорий йилнинг 2 декабрида тасдиқланган "Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази" Давлат унитар корхонасининг 2022 йил учун бизнес режаси ижро учун юборилмоқда.

**Инспекция бошлиғининг
биринчи ўринбосари**

 **М.Расулов**

Ижрочи: К.Баҳоров
Тел: (71) 202-12-40



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат
қилиш инспекцияси бошлиғи



Вахобов А. Вахабов
«2» 12 2021 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ УСТИДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ
«АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ
2022 ЙИЛ УЧУН
БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат
қилиш инспекцияси

Идоравий мансублиғи

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

agroinspeksiya@exat.uz

СТИР

305540954

Ижроия органи раҳбари

А.Вахабов

Бош бухгалтер

К.Бахоров

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиши) ва Молиявий кўрсаткичлар

2.1. *Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиши)*

2.2. *Жорий молиявий кўрсаткичлар*

2.3. *Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси*

2.4. *Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)*

2.5. *Харажатлар, таннарх таҳлили*

2.6. *Даромадлар ва харажатлар сметаси*

2.7. *Давлат бюджетига тўловлар*

2.8. *Қарздорликлар*

2.9. *Кутилаётган молиявий натижалар ҳисоботи*

2.10. *Кутилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи*

III. Экспорт ва импорт

IV. Инвестиция лойиҳалари

V. Маҳаллийлаштириш

VI. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VII. Асосий камчилик ва муаммолар

VIII Таклифлар

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Марказ Инспекция билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги матнда - Инспекция) қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги матнда - Марказ)нинг Устави Инспекция бошлиғининг 2019 йил 19 июлдаги 3-сонли буйруғи билан (2021 йил 1 февралдаги С-3-сонли буйруғи билан янги таҳрири) тасдиқланган ва Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани давлат хизматлари марказидан юридик шахс сифатида 2019 йил 9 августда давлат рўйхатидан ўтказилиб, 751065-рақамли гувоҳнома олинган.

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи давлат тилида:

тўлиқ номи - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси;

қисқартирилган номи - «Ўзагроинспекция» қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК.

тўлиқ номи - O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi "Agrosanoat majmuida xizmatlar ko'rsatish markazi" davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи - "O'zagroinspeksiya" qoshidagi "Agrosanoat majmuida xizmatlar ko'rsatish markazi" DUK.

1.2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Фаолият тури аккредитация доирасига мувофиқ Агросаноат мажмуи маҳсулотлари (қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турдаги уруғлари ва кўчатлари, пахта толаси, момиғи, техник чигити, момиқ пахта, шунингдек ун, ёрма, кепак, оралиқ маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳамда агросаноат мажмуининг бошқа маҳсулотлари - кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

маҳсулотларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш ишларини бажаришдан иборат.

Тармок: Агросаноат мажмуи маҳсулотлари синовларини ташкил этиш, ўтказиш ва уларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш.

Юридик манзили: Корхонанинг жойлашган ери (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мевзеси, 27-уй.

1.3. Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Ушбу бўлимда корхона тўғрисидаги асосий маълумотлар, жумладан, фаолият йўналишлари, мақсади, умумий ҳолати, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар ва бошқалар ёритилган.

Корхонанинг паспорти:

«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК 2018 йилда тузилган.

Фаолият тури: пахта толаси, пахта момиги, пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари синовларини ташкил этиш ва ўтказиш, мувофиқлик сертификати бериш;

шунингдек, дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар синовларини ташкил этиш ва ўтказиш, мувофиқлик ва сифат сертификати бериш.

Ишчилар сони: 1 320 киши

Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланишнинг жорий аҳволи: буюртмачиларга шартнома асосида хизмат кўрсатилади.

Устав капитали (минг сўмда): 7 468 706,94 минг сўм (етти миллиард тўрт юз олти миш саккиз миллион етти юз етмиш олти минг тўққиз юз қирқ сўм)лик асосий воситалар ва товар-моддий бойликларидан иборат.

Умумий ер майдони (га): 78 247 кв.м. (Тошкент шаҳрида Марказ ва 13 та худудий филиаллар лабораториялари)

Маъмурий бино (кв.м.) 14 169 кв.м;

Ишлаб чиқариш майдони (кв.м.) йўқ;

Бўш турган жами майдони (кв.м.) йўқ;

Давлат улуши: 100 фоиз;

инфратузилмаси электр энергияси, газ ва ичимлик суви билан таъминланган.

СТИР: 305604153, ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: х/р 20210000800904085001, АТБ Туронбанк Тошкент шаҳар, Юнусобод филиали.

Директор Ф.И.Ш.: Х.Ф. Магруппов

Директорнинг телефон рақами: (71) 244 87 50

Таъсисчи номи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзагроинспекция».

Марказнинг Уставининг янги таҳрири «Ўзагроинспекция» бошлиғининг 2021 йил 1 февралдаги С-3-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Марказнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг штатлар жадвали бўйича умумий чекланган сони 1 320 бирликка келишилган.

Ўрнатилган тартибда ходимлар сони, разряди ва тариф коэффициентлари (ойлик маоши миқдори) Инспекция (таъсисчи) раҳбарияти билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланган.

Бугунги кунда, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига умумий штатлар бирлиги 1 320 тани, уларнинг ойлик иш ҳақи фонди 3 763 445,3 минг сўмни ташкил этмоқда.

Жумладан:

- маъмурий бошқарув ходимлари 64 нафар (Марказда 33);
- мутахассислар 483 нафар (Марказда 120, филиалларда 363);
- ишлаб чиқариш ходимлари 502 нафар (Марказда 43, филиалларда 63, туманларда 396);
- техник ходимлар 172 нафар (Марказда 30, филиалларда 31, туманларда 111);
- хизмат кўрсатувчилар 99 нафар (Марказда 24, филиалларда 75).

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сонли қарори билан Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмаслиги белгиланган ва Марказ Инспекция билан биргаликда 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Бош прокуратураси ҳузуридан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилган пайтда Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматларнинг солиқ солинадиган базага киритилмайдиган амалдаги тартиби сақланиб қолинган.

Фаолият тури: Буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида пахта, уруғчилик ва дон йўналиши бўйича маҳсулотлар синовларини ташкил этиш, ўтказиш ва уларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш ишлари амалга оширилади.

II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва молиявий кўрсаткичлар

2.1. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)

Марказ сертификатлаш синовларини ўтказиш учун аккредитацияланган синов лабораторияларни ўз ичига олган кенг тармоққа эга корхона ҳисобланиб, унинг таркибига қуйидагилар киради.

А. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш йўналишида:

- Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаштириш идораси (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 27.07.2020 йил UZ.AMT.06.MAI.170-рақамли гувоҳнома);

- Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш учун аккредитациядан ўтган Марказий лаборатория (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 09.03.2020 йил O'ZAK.SL.0078-рақамли гувоҳнома) ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий синов лаборатория (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 27.10.2015 йил UZ.AMT.07.MAI.614-рақамли гувоҳнома)лари;

- 1 та Хоразм вилоят филиалидаги аттестациядан ўтган синов лабораторияси;
- 11 та ҳудудий филиаллардаги аттестациядан ўтган синов лабораториялари;
- 69 та туман ва туманлараро аттестациядан ўтган уруғчилик синов лабораториялари мавжуд.

Б. Дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни сертификатлаш йўналишида қуйидаги 3 та:

Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаш идораси (OZAK.MS/0041-сонли гувоҳнома билан 21.02.2021й. аккредитациядан ўтган);

Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаш идораси

(UZ.AMT.06.MAI.321-сонли гувоҳнома билан 04.11.2009й. аккредитациядан ўтган, Нукус шаҳри, Кўнғирот кўчаси) мавжуд.

Шунингдек, Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни марказий синов лабораторияси (UZ.AMT.07.MAI.063-сонли гувоҳнома билан 23.02.2016 й. аккредитациядан ўтган) ва 8 та ҳудудий филиал (Гулистон, Жиззах, Бухоро, Навоий, Шўрчи, Урганч, Қўқон, Наманган) ҳамда 4 та Самарқанд, Андижон, Нукус ва Қарши минтақавий синов лабораторияларини ўз ичига олади.

В. Лаборатория синов жиҳозларини метрологик аттестациядан ўтказиш

Марказда Метрологик аттестациялаш бўлими (UZ.AMT.17.MAI.107-сонли гувоҳнома билан 24.03.2015 й. аккредитациядан ўтган) томонидан белгиланган аккредитациялаш соҳасига мувофиқ буюртмалар асосида лаборатория синов жиҳозларини Метрологик аттестациядан ўтказиш хизмати кўрсатилиб, аттестациялаш сертификати берилади.

Г. Пахта хом-ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаш йўналишида:

пахта хом-ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни, пахта толаси, линти(момиғи) ва момик пахта синовларини ўтказиш ишлари 13 та ҳудудий синов лабораторияларини ўз ичига олган сертификатлаш органи (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 31.08.2021 й. UZ.AK.MS.0045 рақамли гувоҳнома) томонидан;

- техник чигит сифатини текшириш учун 120 та (Шундан 101 та пахта тозалаш корхоналаридаги ва 19 та ёғ-мой корхоналаридаги ёғдорликни аниқловчи) Чигит синов лабораторияларига эга бўлган марказий лабораторияси (аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида 07.06.2016 й. UZ.AMT.07.MAI.751 рақамли гувоҳнома) томонидан;

Аккредитациядан ўтган сертификатлаш органи барча Пахта маҳсулотларини ҳудудий синов лабораторияларини ўз ичига олади.

2.2. Жорий молиявий кўрсаткичлар

Марказнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида 2021 йил январь-октябрь ойлари даромадлари ва ноябрь-декабрь ойлари прогнозлари олинди.

2021 йил Бизнес режасининг таҳлилига кўра, белгиланган 76,7 млрд сўмлик режани 80 млрд сўмга ёки 104,4 фоизга бажарилиши кутилмоқда. Жумладан:

уруғ йўналиши 25 млрд сўмлик режани 28,62 млрд сўмга ёки 114,2 фоизга;

дон йўналиши 7 млрд сўмлик режани 6,7 млрд сўмга ёки 95,5 фоизга;

пахта йўналиши 44,6 млрд сўмлик режани 44,7 млрд сўмга ёки 100,2 фоизга ошириб бажарилиши кутилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКнинг 2022 йил учун хизматлар кўрсатиш
РЕЖАСИ****

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар, хизмат турлари	2020 й. (факт)	2021 й. 10 ойлик (факт)	2021 й.		2022 й. (режа)	Ўсиш, %	Жами тушумдаги улуши	Шу жумладан			
				режа	қуттिला- ётгани				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
1	Жами соф тушум (солиқларсиз)	85 810,0	72 115,3	76 660,2	80 003,0	76 769,2	100,1	100%	21 788,2	11 184,4	17 461,5	26 335,0
<i>шу жумладан,</i>												
1	Пахта толасини сертификатлаш	27 690,1	19 970,5	25 333,8	24 964,3	22 036,3	87,0	28,7	7 467,8	2 597,0	1 302,7	10 668,8
2	Пахта линги(моминги)ни сертификатлаш	1 534,1	1 347,8	1 355,3	1 355,3	1 943,3	143,4	2,5	734,8	255,4	50,8	902,2
3	Техник чигитни сертификатлаш (конд)	16 887,9	13 300,5	15 748,2	15 748,2	18 872,4	119,8	24,6	6 158,6	3 030,4	1 550,7	8 132,7
4	Техник чигит ёғдорлигини аниқлаш (нетто)	2 222,2	1 734,5	2 042,5	1 901,1	1 987,3	97,3	2,6	746,6	258,2	111,9	870,7
5	Пахта бўйича бошқа хизматлар	205,7	780,9	120,4	731,3	122,0	101,3	0,2	30,0	30,0	32,0	30,0
6	Уруғлик чигитни сертификатлаш	6 884,3	7 422,5	6 675,4	7 461,1	6 386,0	95,7	8,3	5 593,0	793,0	0,0	0,0
7	Уруғлик донни сертификатлаш	15 148,5	13 803,1	13 932,0	13 809,5	14 050,5	100,9	18,3	0,0	0,0	10 916,5	3 134,0
8	Уруғлик бўйича бошқа хизматлар	6 043,9	7 458,1	4 452,6	7 350,0	5 271,1	118,4	6,9	402,3	1 648,6	2 246,0	974,2
9	Дон ва уни қайта ишлашдан олинган махсулотларни сертификатлаш хамда бошқа хизматлар	9 193,3	6 297,3	7 000,0	6 682,3	6 100,2	87,1	7,9	946,8	2 391,6	1 772,3	989,5
II. Корхона тизимидаги ташкилотлар билан бирга (йиғма)												
1	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)											
<i>шу жумладан, махсулот тури бўйича</i>												
2	Махсулот (хизмат) гуруҳи											
3	Б) Махсулот (хизмат) гуруҳи											

2.3. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси

Кўрсатилаётган хизматлар бўйича 2021 йилга режалаштирилган ишлар ҳажмининг бажарилиши таҳлил қилинганида, дастлабки ҳисоб-китоблар ҳисобот йили якунида Марказнинг жами даромади 80 млрд сўмни, соф фойда 312,8 млн сўмни ҳамда рентабеллик кўрсаткичи 0,39 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

2022 йил прогноз кўрсаткичларининг таҳлилига кўра, йиллик кутилаётган даромад 76,8 млрд сўмни ташкил этиши ва йилни 357,7 млн.сўм соф фойда ёки 0,47 % рентабеллик билан якунлаш режалаштирилмоқда.

Кўрсатиладиган хизматларнинг чорақлар давомида тақсимооти – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши ва уларни қайта ишлаш мавсумига мутаносиб равишда белгиланган.

Шунингдек:

- қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича асосий даромад йилнинг 1-чорагида уруғлик пахта чигитини сертификатлашдан, йилнинг 3-чорагида уруғлик дон (буғдой, арпа)ни сертификатлашдан олинishi;

-дон йўналиши бўйича йилнинг 3-чорагида товар дон (буғдой)ни сертификатлашдан олинishi;

- пахта маҳсулотларини сертификатлаш ишлари йилнинг 2-чораги охири ва 3-чораги бошида ҳосил йили мавсуми тугайди ,пахта толаси ва момигини кластер корхоналари ўз эҳтижларидан ортган қисмини сертификатлатириш ишлари шу ойларда сезиларли даражада камаяди ушбу даврларда Марказ даромадининг камайишига ўз таъсирини кўрсатади.

Келгуси 2022 йилда хизмат кўрсатишни 2021 йилга нисбатан 0,1 фоизга ошириш ҳисобига 76,8 млрд сўм даромад олинishi режалаштирилди (2-жадвал).

**“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКнинг 2022 йил учун молиявий-иктисодий кўрсаткичлари
РЕЖАСИ**

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	2020й.	2021 й. 10 ойлик (факт)	2021 й (кутила- ётгани)	2022 й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан				
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1.	Жами даромад (солиқларсиз), шу жумладан:	86 993,0	72 115,3	80 003,0	76 769,2	-3 233,8	96,0	22 079,9	11 004,3	17 982,9	25 702,0	25 702,0
	соф тушум	85 810,0	72 115,3	80 003,0	76 769,2	-3 233,8	96,0	22 079,9	11 004,3	17 982,9	25 702,0	
	бошқа даромадлар	1 183,0										
	молиявий фаолиятдан бошқа даромадлари											
2.	Йшлаб чиқариш таннари	49 991,6	38 094,7	46 727,2	45 056,2	-1 670,9	96,4	12 958,8	6 458,5	10 554,3	15 084,6	
	хомашё ва материаллар	1 081,5	680,6	816,7	723,7	-93,0	88,6	208,1	103,7	169,5	242,3	
	энергия ресурслари	850,1	320,1	384,1	338,6	-45,5	88,1	97,4	48,5	79,3	113,4	
	Илчи-ходимлар иш ҳақи	41 011,5	30 691,1	37 734,3	36 850,0	-884,3	97,7	10 598,6	5 282,2	8 632,0	12 337,2	
	ижтимоий сугурта харажати	4 921,4	3 682,9	4 528,1	4 422,0	-106,1	97,7	1 271,8	633,9	1 035,8	1 480,5	
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	1 790,0	1 389,2	1 667,1	1 489,7	-177,4	89,4	428,5	213,5	349,0	498,7	
	бошқа харажатлар	337,1	1 330,7	1 596,8	1 232,3	-364,5	77,2	354,4	176,6	288,7	412,6	
3.	Давр харажатлари	33 577,3	29 546,6	32 963,1	31 355,3	-1 607,8	95,1	9 012,4	4 475,6	7 363,9	10 503,3	
	сотилиш харажатлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0						
	маъмурий харажатлар	6 670,5	7 453,0	8 300,7	7 965,1	-335,5	96,0	2 290,9	1 141,7	1 865,8	2 666,7	
	ҳўмийлик ва бегараз ёрдамлар	500,0				0,0	!					
	бошқа харажатлар	779,6	540,1	601,5	377,2	-224,3	62,7	108,5	54,1	88,3	126,3	
	бошқа операциялар харажатлари, шу жумладан:				0,0	0,0						
	Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йил 575-сон қарорига асосан Инспекцияга 30 фоиз ажратма	25 627,2	21 537,5	23 986,9	22 880,8	-1 106,2	95,4	6 580,8	3 279,8	5 359,7	7 660,4	
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 й. № ПФ 6099 -сонли Фармони		16,0	74,0	132,2	58,2	178,6	32,2		50,0	50,0	
4.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0		0,0	0,0	0,0	0,0	
	фоизлар шаклидаги харажатлар	0,0										
	валюта курси фарқидан зарарлар	0,0										
	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0,0										
	Фойда солигини тўлашга қадар фойда (зарар)	3 424,0	4 474,1	312,8	357,7	44,9	114,4	108,7	70,2	64,8	114,0	
5.	Фойда солиғи											
6.	Соф фойда/зарар	3 424,0	4 474,1	312,8	357,7	44,9	114,4	108,7	70,2	64,8	114,0	
7.	ЕВТДА кўрсаткичи (млн.сўм / %)											
8.	Дебиторлик											
9.	Кредиторлик											

2.4. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаси (нархлар прогнози)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги ПҚ-4453-сонли қарорининг 2-илоvasи 30-банди билан сертификатлаш хизмати ҳақи нархини пасайтириш “Ўзагроинспекция”га юклатилганлиги сабабли 2019 йил 7 сентябрда тасдиқланиб, буюртмачиларга етказилган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари) қайта ишлаб чиқилган ва 30 сентябрда тасдиқланган.

Ушбу нарх(тариф)ларни шакллантиришда 2019 йил сентябрдан 2020 йил сентябрга қадар кўрсатиладиган хизматлар ҳақини янада арзонлаштириш мақсадида атиги 0,26 фоиз рентабеллик белгиланган.

3-жадвал

Марказда кўрсатиладиган хизматлар учун 2019 йилда тасдиқланган нархлар (тарифлар) тўғрисида

№	Хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	2019 йил ҳосили учун тасдиқланди			2019 йилги хизмат ҳақининг маҳсулот қийматига нисбати, %
			2019 йил 7 сентябрда тасдиқланди	2019 йил * 30 сентябрда тасдиқланди	Нархлар (тарифлар) нисбати	
Пахта маҳсулотларини сертификатлаш бўйича						
1	Пахта толасини сертификатлаш	кип	14 870	11 903	80,0	0,41
2	Пахта линти (момиғи) ни сертификатлаш	кип	5 158	4 508	87,4	0,66
3	Техник чигитни сертификатлаш	тонна	15 097	13 173	87,3	0,57
4	Техник чигит ёғдорлигини аниқлаш	тонна	2 510	2 192	87,3	0,10
Пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича						
5	Уруғлик донни сертификатлаш	тонна	44 998	44 998	100,0	1,15
6	Уруғлик пахта чигитини сертификатлаш	тонна	106 912	96 170	90,0	1,20
Дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни сертификатлаш						
7	Товар донни сертификатлаш	тонна	859	893	104,0	0,06

2020 йил ҳосили учун маҳсулотларни синовдан ўтказиш ва сертификатлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархлари (тарифлари) 2020 йил сентябрь ойида ишлаб чиқилган ва тасдиқланиб, барча буюртмачиларга етказилган.

Буюртмачиларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақини янада арзонлаштириш мақсадида, Марказда товар-моддий қимматликлари ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳисобига 2021 йил ҳосили маҳсулотларини синовдан ўтказиш ва сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун амалдаги, яъни 2020 йил сентябрь ойида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган атиги 0,26 фоиз рентабеллик белгиланган нархлар (тарифлар) сақлаб қолинди.

Ушбу нарх(тариф)ларни шакллантиришда пахта йўналиши бўйича толани сертификатлаш ҳар тойи (кипи) учун 14 203 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг атиги 0,49 фоизини, линт (момик)ни сертификатлаш ҳар тойи (кипи) учун 6 168 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,91 фоизини, техник чигитни сертификатлаш ҳар тоннаси учун 15 921 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,69 фоизини ва техник чигит ёғдорлигини аниқлашда ҳар тоннаси учун 3 040 сўм хизмат ҳақи белгиланиб, маҳсулот қийматининг 0,13 фоизини ташкил этган ҳолос.

4-жадвал

Кўрсатиладиган хизматлар учун 2020 йилда шакллантирилган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари)да харажатлар улуши тўғрисида

№	Хизмат кўрсатиш турлари	2020 йил ҳосили нархлари	Шу жумладан							
			Иш ҳақи ва ЯИТга		Материал харажатлар		Инспекцияга 30 % ажратма		Бошқа харажатлар	
			миқдори	фоизи	миқдори	фоизи	миқдори	фоизи	миқдори	фоизи
1	Пахта толасини сертификатлаш	14 203	8 904,7	62,7	268,0	1,9	4 260,9	30	769,4	5,4
2	Пахта линти(момиғи)ни сертификатлаш	6 168	3 784,1	61,3	195,4	3,2	1 850,5	30	338,0	5,5
3	Пахта техник чигитини сертификатлаш	15 921	10 254,9	64,4	120,2	0,8	4 776,3	30	769,6	4,8
4	ЯМР-анализаторида техник чигит ёғдорлигини аниқлаш	3 040	2 018,8	66,4	15,0	0,5	911,9	30	94,3	3,1
5	Уруғлик чигитни сертификатлаш	108 053	68 090,8	63,0	2 050,9	1,9	32 416,0	30	5 495,2	5,1
6	Уруғлик донни сертификатлаш	48 970	30 545,9	62,4	913,9	1,9	14 691,1	30	2 819,2	5,8
7	Товар донни сертификатлаш	927	540,1	58,3	11,6	1,3	278	30	97,3	10,5

5-жадвал

Соф фойдани тақсимлаш

млн.сўм

№	Йўналишлар	Улуши, %	2020й. якуни	2021й. (кутилаётган)	2022 й. (режа)	шу жумладан,		
						1-чорак	2-чорак	3-чорак
Соф фойда		100%	3 402,3	312,8	357,7	0,0	0,0	357,7
1.	Дивиденд учун жами,							
	<i>шу жумладан</i>							
	имтиёзли акцияларга							
	оддий акцияларга,							
	<i>шундан:</i>							
	давлат улушига	50	2551,7	156,4	178,8			178,8
2.	Инновацион ривожлантириш фондида							
3.	Захира фондида							
4.	Корхонани ривожлантириш учун	50	850,6	156,4	178,8			178,8
5.	Бошқа мақсадларга							

I. Иш хақи тўлаш тизими

№	Ишчи-хизматчилар	2021 й. (кутилаётган)				2022 й. (режа)				Ўсиш, %			
		Ўртача ишчилар сони	Иш хақи микдори (қатъий белгиланган)	Байрам пуллари	Иш хақи устамалар	Мукофот пуллари	СМК	Ўртача ишчилар сони	Иш хақи микдори (қатъий белгиланган)		Байрам пуллари	Иш хақи устамалар	Мукофот пуллари
	Жами	1 320	32 286,6	5 890,5	1 378,4	3 258,2		1 320	34 970,1	6 397,1	1 498,4	3 538,7	108,3
I.													
1.													
II.													
2.		1 084	27 256,1	4 121,5	895,9	2 268,6		1 084	29 436,6	4 451,2	967,6	2 450,1	108,0
3.		64	3 671,6	1 315,7	273,6	592,6		64	4 038,8	1 447,3	301,0	651,9	110,0
4.		172	1 358,9	453,3	208,9	397,0		172	1 494,8	498,6	229,8	436,6	110,0

Корхона томонидан амалга ошириладиган хомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот

№	Хомийлик ёрдами олувчи ташкилотлар	2020й.	2021й. 10 ой	2021й. (кутилаётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш, %	шу жумладан,						
							1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
	Жами												
	Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан	500											
1.	Пандемия даврида "Саховат ва кўмак" жамғармасига	500											
2.													
	Президент Администрацияси ва Ҳукумат топшириқларига асосан												
3.													
	Бошқа асосларга кўра												
4.													

2.5. Харажатлар, таннарх таҳлили

Кўрсатилаётган хизматлардан 2021 йил давомида жами 80 млрд сўм даромад олиниши ва унга 46,7 млрд сўм таннарх харажатлари сарфланиши кутилмоқда.

Ушбу таннарх харажатларининг 42,3 млрд сўмини ёки 90,4 фоизини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда 4,4 млрд сўмини ёки 9,6 фоизини материал, коммунал ва бошқа харажатлар ташкил этмоқда.

Кутилаётган 2022 йил давомида кўрсатилиши белгиланган 76,8 млрд сўмлик хизматлар учун йиллик сарфланиши режалаштирилган харажатлар доирасида маблағлар ҳаракатини муддатлар ва харажат турлари ўртасида ўзгартириш ҳукуқи берилади.

2.6. Даромадлар ва харажатлар сметаси

Марказда даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсатиладиган хизмат ҳақи нархлари (тарифлари)ни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқилади ва нархлар (тарифлар) реестри тасдиқланади.

Даромадлар ва харажатлар сметаси асосий хизмат кўрсатиш турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли қарори талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сонли қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган Нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари реестрига киритилмаган.

Шу муносабат билан Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи нархлари (тарифлари) ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилади ва мустақил равишда тасдиқланади.

2.7. Давлат бюджетига тўловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сонли қарори билан Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматларнинг солиқ солинадиган базага киритилмайдиган амалдаги тартиби сақланиб қолинган.

Давлат бюджетига тўловлар

МЛН СЎМ

№	Тўловлар	2020й.	2021 й. 10 ойлик (факт)	2021 й. (кутила- ётган)	2022 й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан				
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
Жами												
1	Эгри солиқлар, шу жумладан:											
	ҚҚС	238	294	353	265	-88	75	66	66	66	66	66
	Акциз											
2	Ер қазридан фойдаланганлик учун солиқ											
3	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ											
4	Фойда солиғи	172	55	66	49,5	-17	75	14	7	11	17	17
5	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	5 188	4 085	4 902	4 422	-480	90	1 255	644	1 006	1 517	1 517
6	Ижтимоий солиқ	5 188	4 085	4 902	4 422	-480	90	1 255	644	1 006	1 517	1 517
7	Мол-мулк солиғи											
8	Ер солиғи											
9	Айланмадан олинадиган солиқ											
10	Давлат божи ва йиғимлар	90	178	214	235	21	110	67	34	53	81	81
11	Бошқа солиқлар	1 268		156	179	22	114	51	26	41	61	61

2.8. Қарздорликлар

Марказда хизматлар кўрсатиш сифати ва кўлами кенгайганлиги сабабли буюртмачилар сони ҳам кўпаймоқда. Шу боис кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-вароқ фактуралар бўйича тўловларни амалга оширишда айрим буюртмачилар томонидан хизмат ҳақини тўлаб берилиши кечиктирилмоқда.

Жумладан, жорий йил бошига Марказнинг дебитор қарздорлиги жами 23,8 млрд сўмни (шундан муддати ўтгани 8,4 млрд сўмни) ташкил этган.

Марказий аппарат ва ҳудудий филиаллар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари томонидан олиб борилган саъй ҳаракатлар ҳисобига ойма-ой кўрсатилган хизматлар учун буюртмачиларга ҳисоб-вароқ фактуралар тақдим этилиб, маблағлар ундирилиши таъминланмоқда. Йил якунига жорий йил IV чорагида кўрсатилган хизматлар ҳисобига жами 15,1 млрд сўм (шундан муддати ўтгани 1 млрд 251 млн сўм) дебитор қарздорлик қолиши кутилмоқда.

9-жадвал

Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври бошига	Шу жумладан			
			01.04.2021й	01.07.2021й	01.10.2021й	01.01.2022й
1	Дебиторлик қарздорлик жами,	23 745,1	25 104,8	22 698	23 020,8	15 112
	шу жумладан:					
	муддати ўтган қарздорлик, шундан	8 438	7 299	11 639,7	9 244,1	1 251
	умидсиз қарздорликлар					
2	Кредиторлик қарздорлик жами,	440,7	475,5	402,2	417,4	152
	шу жумладан:					
	муддати ўтган қарздорлик					

2.9. Кутилаётган молиявий натижалар ҳисоботи

2022 йилда олинishi режалаштирилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум 76,8 млрд сўм даромаднинг:

сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннарх харажатлари - 45,06 млрд сўмни ёки 58,7 фоизини;

давр харажатлари - 31 млрд 36 млн сўмни ёки 40,8 фоизини, шундан 22,9 млрд сўми ёки 29,8 фоизи Инспекция жамғармасига ажратма ва 8,5 млрд сўми ёки 11 фоизи бошқа харажатларни;

Даромад (фойда) солиқ тўлагунга қадар фойда - 357,7 млн сўмни 0,5 фоизни, ҳисобот даврининг соф фойдаси 357,7 млн сўмни ташкил этмоқда.

Рентабеллик даражаси 0,47 фоиз.

2.10. Кутилаётган бухгалтерия баланси ҳисоботи

Актив

Асосий воситалар

Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати – 33 млрд 138 млн сўм.

Эскириш суммаси – 25 млрд 093 млн сўм.

Қолдиқ (баланс) қиймати – 8 млрд 044 млн сўм

Товар-моддий захиралари – 609 млн сўм

Келгуси давр харажатлари – 100 млн сўм

Дебиторлар

Дебиторлар – 15 млрд 112 млн сўм

Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи – 14 млрд 803 млн сўм

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар - 120 млн сўм

Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари – 75 млн сўм

Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари – 114 млн сўм.

Пул маблағлари

Асосий ҳисоб-рақамдаги пул маблағлари – 1 млрд 889 млн сўм.

Чет эл валютасидаги пул маблағлари – 57 млн сўм.

Бошқа пул маблағлари – 1 млрд 994 млн сўм.

Пассив

Устав капитали – 7 млрд 061 млн сўм

Резерв капитали – 834 млн сўм

Тақсимланмаган фойда – 10 млрд 663 млн сўм

Мақсадли тушумлар – 1 млрд 400 млн сўм

Жорий мажбуриятлар

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз - 50 млн сўм

Шўба ва қарам хўжаликларига қарздорлик – 5 млрд 297 млн сўм

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз – 2 млрд 500 млн сўм

III. Экспорт ва импорт

Марказда буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида аккредитация доирасига мувофиқ маҳсулотларга мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатлари бериш, яъни хизмат кўрсатишдан даромад олинади.

2021 йил давомида Марказ томонидан Қозоғистон Республикасига 3 325 АҚШ доллари ёки 35 млн 342,6 минг сўмлик пахта толасининг стандарт ташқи кўриниш намуналари (эталон) экспорт қилинди.

Импорт операциялари АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментидан HVI тизимини калибрлаш учун “Universal HVI Calibration Cotton Standards - Long-Strong Upland” турдаги калибрлаш толасини 2403 АҚШ долларига харид қилиш..

IV. Инвестиция лойиҳалари

4.1. Ҳозирги кунда Марказнинг уруғчилик йўналиши бўйича Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2019 йилда Жаҳон банки ташрифи доирасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш Лойиҳаси юзасидан Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ва “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ўртасида бир қатор расмий учрашувлар ўтказилди.

Жаҳон банкининг 2020 йил 22 январда келиб тушган таклифига асосан, жорий йилнинг 30 - 31 январь кунлари Жаҳон банки томонидан молиялаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда Марказ иштирок этди.

Шунингдек, йиғилиш Жаҳон банки (С.Зоря, Д.Хидиров, Р.Костак, Т.Тесфайе), Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ - овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ нинг масъул ходимлари иштирокида ўтказилди.

Ўтказилган музокаралар давомида ҳуқуқий, молиявий ва кредит шартномалари муҳокама қилиниб, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш” лойиҳасини молиялаштириш гуруҳи раҳбари жаноб Саргий Зоря ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларини амалга ошириш Агентлиги томонидан лойиҳани молиялаштириш хужжати имзоланди.

Ўтказилган музокаралар натижасида, Марказ томонидан киритилган таклифлар қўллаб қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4803-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 2020 йил 17 августдаги И-45-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Марказга юклатилган вазифа ва функцияларни, Марказ лабораторияларини тубдан такомиллаштириш ва замон талабларига мослаштириш, фаолиятга алоқадорлигига кўра республика ва халқаро илмий-тадқиқот институтлар ҳамда ташкилотлар билан узвий боғлиқликни ўрнатиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 20 октябрь куни Халқаро ISTA ташкилотининг UZ AM 0001 - сонли маҳсус сертификати билан Марказ ушбу ташкилотга аъзоликка қабул қилинди.

Шунга кўра, Марказ директорининг 2020 йил 17 августдаги 124-а-сон буйруғига асосан ПҚ-4803-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Марказнинг мутасадди раҳбар ва ходимларидан иборат Ишчи гуруҳ таркиби ва асосий вазифалари белгиланди, шунингдек Марказ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур режага асосан 2020 йилнинг август-октябрь ойларида Марказ тизимидаги муаммолар бўйича:

- Марказнинг қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш марказий ва ҳудудий лабораторияларини модернизациялаш ва ўлчов воситалари билан таъминлаш;

